



Ислом Нури

«...» :... «...».

Имом Термизий Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни мўминнинг амал тарозисида гўзал хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди, Аллоҳ таоло фаҳш сўзлар айтувчи, оғзи бузуқ кимсани ёмон кўради».

«...» :... «...».

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абу Хурайра розияллоху анху айтади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан одамларни энг кўп жаннатга киритувчи нарса ҳақида сўралди. У зот: «Аллоҳдан тақво қилиш ва гўзал хулқ», деб жавоб бердилар.

«...» ... «...».

Имом Абу Довуд Оиша розияллоху анходан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Дарҳақиқат мўмин киши гўзал хулқи сабабли кундузлари рўзадор, тунлари эса намоз билан бедор кишининг даражасига эришади».



Ислом Нури

Шарҳ:

Ширинсўзлик, гўзал муомала, одамларга нисбатан сабр-бардошлилик, уларга ёрдам қўлини чўзиш ва шу каби мақтовли ва гўзал ахлоқларнинг Исломда улкан ўрни бор бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга тарғиб қилганлар ва уларни Аллоҳ таолога яқинлаштирадиган энг фазилатли амаллардан эканини баён қилганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари ҳусни хулқнинг чўққисига эришган зот эдилар, бунга Аллоҳ таолонинг Ўзи: **«Албатта сиз улугъ Хулқ устидадирсиз»** деб гувоҳлик берган. Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан қалбида нафрат ва адоват бўлган бирон кимса у зот ҳақларида ёмон хулқли эди деб айтмаган, балки, у зотни гўзал ахлоқ соҳиби эканликларига гувоҳлик берган.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўзал хулқ соҳиби эдилар;
2. Ҳусни хулқнинг фазилати ва Исломдаги ўрни, қиёмат куни у мўминнинг тарозисида энг оғир нарса бўлиши;
3. Ҳусни хулқ одамларни энг кўп жаннатга киргизувчи ва даражаларни юксалтирувчи амаллардан бири экани;
4. Мусулмон кишининг гўзал хулқи унинг иймони мукаммал эканига далилдир.